



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

ТАЛАБА-ЁШЛАР ОРАСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Алауатдинов Саҳабатдин Иниятдинович

Қорақалпоқ давлат университети биринчи проректори,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

E-mail: alauatdinovsahabatdin@gmail.com

«Маънавий-маърифий фаолият» атамаси икки мустақил, лекин ўзаро боғланган тушунчанинг қўшилишидан ташкил топган ва айнан бу қўшилиш унинг педагогик ўзига хослигини белгилайди. Маънавият категорияси инсоннинг қадриятли-ахлоқий ўзагини, унинг эзгулик, адолат, масъулият ва мазмун ҳақидаги тасаввурларини ифодалайди; у аксиологик табиатга эга ва ўзлаштирилмайди, балки шахс томонидан ички қабул қилинади. Маърифат категорияси эса билим, англаш ва тушунишни, яъни гносеологик жараёни ифодалайди. Мазкур икки ўлчов ўртасидаги муносабат оддий қўшилиш эмас, ўзаро шартланиш муносабатидир: маънавиятсиз маърифат хабардорликка, яъни ахлоқий мўлжалдан маҳрум ахборот эгаллашга айланади; маърифатсиз маънавият эса догмага, яъни асосланмаган ва танқидга берилмайдиган эътиқодга айланади.

Ушбу диалектик боғлиқликнинг педагогик оқибати шундаки, маънавий-маърифий фаолият на ахлоқий тарғибот, на ахборот бериш шакли сифатида қуриладими — иккала ҳолатда ҳам у ўз табиатини йўқотади. Унинг ўзига хос предмети — қадриятнинг билим воситасида асосланиши ва билимнинг қадрият воситасида йўналтирилишидир. Айнан шу боис мазкур мақоламда маънавий-маърифий мақоми унинг мавзусига эмас, таркибидаги қадриятли зиддиятнинг рационал таҳлил қилинишига боғланади. И.А.Каримовнинг



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавият моддий эҳтиёжлар устидан юксалувчи ички куч сифатида таърифланиб, унинг билим, тарих ва миллий ўзликни англаш билан узвийлиги таъкидланади; О.А.Мусурмонованинг маънавий тарбия асосларига бағишланган ишларида эса ушбу узвийлик тарбия жараёнининг ички механизми сифатида таҳлил қилинади. Мазкур манбалар семантик таҳлилни миллий илмий анъанага улайди.

Маънавий-маърифий фаолиятни такомиллаштиришнинг методологик тўрт даражаси

Э.Г.Юдин томонидан асосланган методологик билимнинг тўрт даражали тузилмаси — фалсафий, умумилмий, аниқ-илмий ва технологик даражалар — мазкур мақоланинг методологик архитектурасини изчил баён этиш имконини беради. Ушбу тузилманинг қиймати шундаки, у ҳар бир даража қуйи даража учун чекловчи шарт эканини кўрсатади: фалсафий позиция қандай назарияларни танлаш мумкинлигини, аниқ-илмий ёндашув эса қандай технологияларни лойиҳалаш мумкинлигини белгилайди. Тескари йўналишдаги ҳаракат — технологияни танлаб, кейин унга мос фалсафани излаш — методологик эклектизмга олиб келади ва миллий педагогик тадқиқотларда кўп учрайдиган нуқсондир.

Фалсафий даража: субъект, кадрият ва диалог

Фалсафий даражада тадқиқот учта қоидага таянади. Биринчиси — инсоннинг тугалланмаганлиги ва очиклиги ҳақидаги фалсафий-антропологик қоида: шахс тайёр моҳият эмас, ўз-ўзини яратиш жараёнидир. Ушбу қоида педагогик механизмнинг талабани шакллантириш эмас, унинг ўз-ўзини шакллантиришига шароит яратиш вазифасини белгилайди.



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Иккинчиси — қадриятнинг мавжудлик усули ҳақидаги аксиологик қоида: қадрият объектнинг хусусияти эмас, субъектнинг объектга нисбатан муносабати бўлганлиги сабабли, у узатилмайди — у танлов вазиятида туғилади. Бундан келиб чиқадиган методологик хулоса тадқиқот учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга: қадриятли танлов вазиятини яратмайдиган педагогик восита қанчалик ахлоқий мазмунга бой бўлмасин, аксиологик натижа бермайди.

Учинчи қоида — диалогизм. М.Бубернинг «Мен — Сен» ва «Мен — У» муносабатлари ўртасидаги фарқи, шунингдек М.М.Бахтиннинг онгининг диалогик табиати ҳақидаги концепцияси педагогик муносабатнинг икки муқобил моделини ажратиш имконини беради. «Мен — У» моделида бошқа инсон таъсир объекти, «Мен — Сен» моделида эса тенг ҳуқуқли субъект сифатида қабул қилинади. Маънавий-маърифий фаолиятнинг анъанавий шакллари, ўз ички мантикига кўра, биринчи моделга мойил: тадбирда мурожаат бир томонлама, аудитория эса қабул қилувчи сифатида қаралади. Жамоавий етакчилик компетенцияси эса, аксинча, фақат иккинчи модел доирасида шаклланиши мумкин, зеро етакчилик — бу таъсир кўрсатиш эмас, биргаликда маъно яратиш муносабатидир. Ушбу мулоҳаза Ж.К.Рост томонидан берилган етакчиликнинг реляцион таърифи билан фалсафий жиҳатдан бир заминга эга ва механизмнинг субъект-субъект тамойилини асослайди.

Фаолият фалсафаси даражасида А.Н.Леонтьев томонидан ишлаб чиқилган фаолиятнинг психологик тузилмаси — мотив, мақсад, ҳаракат, операция ва шароит — маънавий-маърифий фаолиятга проекцияланганда унинг устувор нуқсони ошкор бўлади. Амалиётда талабага мақсад ва ҳаракат берилади, мотив эса ташқаридан — интизомий ёки рағбатлантирувчи восита билан — ўрнатилади. Бироқ С.Л.Рубинштейн ва Леонтьев мактабида



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

асосланганидек, мотив фаолиятнинг ташқи шарти эмас, унинг конституцион элементи бўлиб, мотиви ўзгарган фаолият бошқа фаолиятга айланади. Демак, мажбурий иштирок шароитида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбир педагогнинг нуқтаи назаридан тарбиявий фаолият бўлса-да, талабанинг нуқтаи назаридан мажбурият бажариш фаолиятидир ва унинг натижаси тарбиявий эмас, адаптив бўлади. Ушбу ажратиш тадқиқотнинг мотивацион компонентга бўлган алоҳида эътиборини методологик жиҳатдан асослайди.

Умумилмий даража: тизимлилик ва ўз-ўзини ташкил этиш

Умумилмий даражада механизм Л.фон Берталанфи асослаган умумий тизимлар назарияси мантиғида очиқ тизим сифатида қаралади: у ташқи муҳит билан ресурс ва ахборот алмашади, унинг элементлари эмерджент хусусиятга эга, яъни тизимнинг сифати элементлар йиғиндисига келтирилмайди. Ушбу қоида механизмнинг таркибий қисмларини — услуб, лойиҳа, платформа, шарт-шароит — алоҳида татбиқ этиш мумкин эмаслигини тушунтиради: ротациясиз лойиҳа, супервизиясиз каскад ёки метрика ислоҳисиз платформа ўз функциясини бажармайди, чунки уларнинг педагогик самараси элементнинг ўзида эмас, элементлар ўртасидаги алоқада жойлашган.

Синергетик ёндашув, И.Пригожин ва Г.Хакен ишларида ривожлантирилган ноболанс тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиши ғояси, педагогик механизмни бошқаришнинг ўзига хос мантиқини очиб беради. Жамоавий етакчилик — бу ташқи бошқарув натижаси эмас, жамоа ичида юзага келадиган ўз-ўзини ташкил этиш ҳодисасидир; педагогнинг вазифаси уни ишлаб чиқариш эмас, унинг юзага келиш эҳтимолини оширувчи шароит — параметр — яратишдир. Мазкур мантиқ педагог ваколатининг



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

режалаштирилган тарзда камайиши механизмнинг ички қонунияти эканини — фалсафий даражада асослайди. Айни пайтда, синергетик ёндашувни педагогикага кўчиришда методологик эҳтиёткорлик талаб этилади: физик тизимлар қонуниятларини ижтимоий тизимга тўғридан-тўғри экстраполяция қилиш илмий асосга эга эмас ва бу ерда синергетика тушунтирувчи назария сифатида эмас, эвристик модель сифатида қўлланилади.

Аниқ-илмий даража: беш ёндашувнинг интеграцияси

Аниқ-илмий даражада ушбу бешта ёндашувнинг интеграциясига таянади. Компетенциявий ёндашув таълим натижасини билим ҳажми билан эмас, фаолиятда намоён бўладиган ва кузатиладиган қобилият билан таърифлаш имконини беради; шахсга йўналтирилган ёндашув (В.В.Сериков) педагогик жараённинг марказига талабанинг шахсий тажрибасини ва маъно излаш эҳтиёжини қўяди; контекстли таълим назарияси (А.А.Вербицкий) ўқув фаолиятини келгуси касбий ва ижтимоий фаолият контекстида моделлаштиришни талаб қилади; муҳитли ёндашув (Ю.С.Мануйлов) тарбия воситаси сифатида педагогнинг таъсирини эмас, шахс ривожланадиган муҳитни кўради; этнопедагогик ёндашув (Г.Н.Волков) миллий тарбия анъаналарини илмий тизимга киритади ва Қорақалпоғистон олимларининг халқ педагогикасига оид тадқиқотларида минтақавий материал асосида ривожлантирилган.

Мазкур беш ёндашувнинг интеграцияси механик бирлаштириш эмас, зеро улар ўртасида кучланиш нуқталари мавжуд. Компетенциявий ёндашув натижанинг ўлчанувчанлигини талаб қилса, шахсга йўналтирилган ёндашув шахсий маънонинг ўлчанмаслигини таъкидлайди; этнопедагогик ёндашув анъанага таянса, контекстли ёндашув келажак фаолиятига



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

йўналтиради. Маколамизда ушбу кучланишлар яширилмайди, балки конструктив тарзда ҳал этилади: ўлчаш объекти сифатида шахсий маъно эмас, унинг фаолиятдаги хулқий ифодаси қабул қилинади; анъана эса келажакка тайёргарлик воситаси сифатида — унинг чекланишларини аниқлаш операцияси орқали — қайта талқин қилинади. Мазкур ечимлар тадқиқотнинг методологик изчиллигини таъминлайди ва эклектизмдан ҳимоя қилади.

Ёндашувлар интеграциясида В.И.Слободчиков томонидан илгари сурилган ҳамкорликдаги воқеалик умумийлиги (со-бытийная общность) концепцияси алоҳида ўрин тутди. Унга кўра шахснинг ривожланиши индивидуал жараён ҳам, ижтимоий таъсир натижаси ҳам эмас, балки бирга бошдан кечирилган воқеалик маконида кечадиган ҳодисадир. Мазкур концепция жамоавий етакчилик компетенциясининг табиатини тушунтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга: у яқка шахснинг мулки ҳам, жамоанинг умумий сифати ҳам эмас, балки шахс ва жамоа ўртасидаги муносабатнинг сифатидир. Ушбу қоида тадқиқотнинг марказий назарий тезисларидан бирини ташкил этади ва компетенциянинг трансляцион даражасини унинг ягона тўлақонли даражаси сифатида баҳолашни методологик жиҳатдан асослайди.

Технологик даража: Услуглар; диагностика; тажриба-синов

Механизмнинг операционал ва эмпирик текширув воситаларини таъминлайди.

Педагогик механизм тизим, модель ва технология тушунчаларидан чегараланиб, унинг ўзагида ҳаракат тамойили — натижанинг юзага келиш сабаби кўрсатилди. Механизмнинг ҳаракат тамойили сифатида субъектлик трансфери аниқланиб, унинг амалда бажарилиши



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

шакллантирилди: педагог ваколатининг режалаштирилган ва бошқарилаётган тарзда камайиши талабалар жамоасида масъулият вакуумини ҳосил қилади; вакуум етакчилик функциясининг ўз-ўзидан тақсимланишига олиб келади; тақсимланиш эса компетенциянинг даражавий ўсишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари
2. О.А.Мусурмонова. Маънавий тарбия асослари. – Тошкент: Fan, 2007
3. С.Л. Рубинштейн. Основы общей психологии. – Санкт-Петербург: Питер, 2002.
4. А.Н. Леонтьев. Деятельность. Сознание. Личность. – Москва: Смысл, 2005
5. Р.Ж.Ишмухамедов, А.А Абдуқодиров. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент: Iste'dod, 2008.